O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SENATOR PALATASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 3 октябрь, №212 (3040) Пайшанба

Биз ва жаҳон

ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Япония Янги консерватив партияси бош котиби Тошихиро Никай раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги кўплаб соҳаларда самарали ривожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш, истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар, хусусан, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат қонун чиқарувчи органларининг ўзаро ҳамкорлигига эътиборни кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Музокарада Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда ривожланаётганидан мамнуният изҳор этилиб, бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳамкорликка оид ҳужжатлар муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

* * *

Шу куни Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган Қувайт парламенти делегацияси раҳбари Аҳмад Абдулло ар-Рабе билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Вазир А.Комилов билан суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

КУРАШНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Маълумки, Кореянинг Пусан шаҳри жаҳон спорти мухлисларини 14-Осиё ўйинлари доирасида ўтказилаётган мусобақалар, беллашувлар, учрашувлар ва чиқишлар билан хушнуд этмоқда.

Бироқ, 2 октябрь миллий спортимиз учун ҳақиқатдан ҳам ажойиб кун бўлди. Бу кун ўзбек халқининг ўзига хос бойлиги — курашни ривожлантириш тарихига унинг жаҳон спорт майдонида мустаҳкам ўрин эгалланган кун сифатида киради. Масалан, Осиё Олимпия Кенгаши (ООК) шу кунларда Пусан шаҳридаги марказий стадионлардан бирида кураш бўйича намунавий беллашувлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мутахассислар фикрича, бу ўзбек курашининг Осиё ўйинлари дастурига расмий киритилиши йўлидаги муҳим қадамдир. Маълумки, спортнинг кўплаб турлари бунга 20-50 йиллан сўнг эришган. Спортнинг бошқа турлари эса ҳанузгача халқаро майдонга чиқа олгани йўқ. Ўзбек кураши эса тўрт йил ичида халқаро спорт майдонида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ушбу қарор 2 октябрь куни ООК президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳнинг Халқаро кураш ассоциацияси президенти К.Юсупов билан учрашувида қабул қилинди. Осиё Олимпия Кенгаши раҳбарияти, шунингдек, ООКнинг спорт бўйича Вей Жизонг (ХХР) бошчилигидаги қўмитаси кураш халқаро талабларга тўлиқ мос келади, деган фикрга келди. Улар ўзбек курашини келаси Осиё ўйинлари дастурига расмий киритиш учун учун йўл очиқ, деб ҳисоблайди. Мазкур мусобақалар 2006 йилда Қатарда бўлиб ўтади. Курашнинг ушбу халқаро эътирофи ўзларининг кўп асрлик орзу-умидлари ва анъаналарини миллий спортимиз — курашда мужассамлаштирган ўзбек халқининг тарихий ғалабаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, курашнинг Осиё ўйинларидаги расмий тақдимоти 4 октябрда бўлиб ўтади.

(ЎзА).



Нурота мармари

Республикамизда ҳар йили кўп қаватли уй-жойлар, маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, метро станциялари, супермаркетлар кўплаб барпо этилмоқда. Уларни безашда, албатта, Нуротанинг бетакрор ва айни чоғда қимматбаҳо мармари ишлатилаётганидан хабардорсиз. Бундай қурилиш ашёсини эса «Нуротамармар» корхонаси ишчи-хизматчилари тайёрлаб бермоқдалар.

Эътиборлиси, Нурота мармарининг харидорлари нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки хорижда ҳам кўп. Яқинда Украина ва Россияда «Нуротамармар»нинг шўъба корхоналари очилди. Демак, энди ана шу бинокорлик ашёсининг донги янада ортади.

СУРАТДА: *оператор Абдураҳим КАРИМОВ.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Б.Т.Қурбоновни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳром Тўхтаевич Курбонов Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 2 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Х.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Хайрулла Жўраев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 2 октябрь.

2002 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси бош муҳаррири тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Конституциявий суд Ахборотномасининг бош муҳаррири этиб Конституциявий суд Раиси Бўритош Мустафоев тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ҳ.Жузбанов ва Э.Қудратов Илмий-маслаҳатлашув кенгаши таркибидан чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари Б.Жамолов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмахматов Конституциявий суд ҳузуридаги мазкур кенгашнинг аъзолари этиб тасдиқланди.

Мажлисда Конституциявий суднинг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, ривожланган мамлакатлар Конституциявий судлари фаолиятининг ташкил этилиши, ҳуқуқий ҳолати, ваколатлар доираси, судьяларининг одобахлоқи қоидалари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни йиғиш ва чуқур ўрганиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

(ЎзА).

Эзгулик ёғдулари

Мустақиллик халқимизнинг кўп минг йиллик маданий меросини янгидан тиклашга, маданиятнинг моддий асосларини қайтадан яратишга, санъатсевар халқимизнинг миллий қўшиқларини асраб-авайлаш ва уни янада ривожлантириш ҳамда бу маънавий бойликлардан миллатнинг бебаҳо мулки, бой хазинаси, қолаверса, жамият тараққиётининг манбаи сифатида фойдаланишга кенг йўл очиб берди.

Маърифат соати

Истиқлол йилларида биргина Тошкент шаҳрида «Туркистон» саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, боғи Эрам истироҳат боғи, Амир Темур музейи, Миллий академик театр биноси ва ғоят гўзал, маҳобатли кошона — Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси барпо этилди. Ушбу муҳташам иншоот қурилишига давлат бюджетидан 12 миллиард сўм маблағ сарфланди. У ўзбек мусиқа санъати ривожланишини таъминловчи жаҳондаги энг йирик билим маскани бўлибгина қолмай, Президентимиз томонидан кашф этилиб, катта ижодкорлик билан яратилган ҳақиқий санъат асари ҳамдир. Консерваторияда тез-тез ўтказилаётган мусиқий-маърифий тадбирларда иштирок этаётган кўплаб хорижлик дўстларимизнинг бу илҳомбахш кошонани «Мусиқа шаҳри» деб атаётганлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Маданият ва санъат иншоотларини янгидан қуриш билан бир қаторда аждодларимиз қолдириб кетган улкан мерос — маданий ва тарихий ёдгорликлар ҳам қайтадан таъмирланмоқда. Музейларнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланмоқда.

Шу мақсадда йигирмадан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилиниб, улар ўз ижросини топмоқда. Ушбу ҳужжатлар миллатимиз маданиятининг, санъатининг, қолаверса, миллий маънавиятимизнинг тараққиётида ҳуқуқий асос воситасини ўтайди.

Фикримизнинг далили сифатида 2002 йил 26 апрелдаги «Тошкент Давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида»ги Фармонни олиб кўрайлик. Ушбу фармонда мамлакатимизда профессионал мусиқа санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, мусиқий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда замон талбалари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, соҳа тараққиёти учун лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ўз аксини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат консерваториясини мусиқий таълимнинг барча йўналишлари бўйича таянч олий ўқув юрти, деб белгилаш, консерватория биносидан самарали фойдаланиш мақсадида дирекция ва унинг таркибида концерт залларини ўз ичига олган «Мусиқа саройи»ни ташкил этиш каби муҳим масалаларни амалга ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Фармоннинг 3-бандида Ўзбекистон Давлат консерваторияси таркибида Эстрада санъати факультети, иқтидорли болалар академик лицейи, илмий-тадқиқот маркази, «Мусиқа» нашриёти ва бошқа бўлинмалар ташкил этилиши таъкидланган.

Фармонда кўзда тутилган мақсад ва ғояларнинг амалий ижросини таъминлашга бағишланган яна бир муҳим ҳужжатнинг улуғ байрам — Истиқлолнинг 11 йиллиги нишонланаётган кунларда, 2002 йил 5 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда мусиқа санъатига ва шу соҳа ходимларига кўрсатилаётган катта ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ушбу қарорда мусиқий таълимнинг келажаги ва унинг истиқболи учун барпо этилган улкан билим маскани, яъни муҳташам нафосат қасри бўлган Ўзбекистон давлат консерваториясининг асосий вазифалари ҳамда унда амалга ошириладиган ташкилий, ўқув-тарбиявий, илмий-маърифий ва ижодий-таҳлилий ишлар кўламининг мазмуни, моҳияти белгилаб берилган.

Мусиқа санъати соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш ва мавжуд мусиқа билим юртлари иш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда миллий мусиқа санъатини жаҳон андозалари даражасига етказиш учун кенг имкониятлар очиб берадиган бу янги қарор халқимизнинг буюк санъатига, мамлакатнинг ёш истеъдод соҳибларига кўрсатилаётган ғамхўрликдир.

Қарорда кўзда тутилган муҳим жиҳатлардан яна бири, консерватория мусиқа соҳаси педагоглари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Маркази этиб белгиланганлигидир. Шунингдек, консерватория ҳузурида Мусиқа музейи, 125 нафар ўқувчига мўлжалланган иқтидорли болалар академик лицейи ташкил этилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталувчи навқирон вилоятнинг маркази Навоий шаҳрида 900 ўқувчи ўрнига эга бўлган маданият ва санъат коллежи биноси айни шу кунларда фойдаланишга топширилади.

Янги коллеж мажмуасининг умумий майдони 6 гектар бўлиб, бу ерда 300 талабага мўлжалланган ётоқхона ва ошхона ҳам мавжуд.

Билим юртининг қурилишига қарийб 3 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Бу янги санъат маскани гўзал Навоий шаҳри кўркига янги бир безак бўлади.

«Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув яшашга, Ватанни ҳар томонлама юксалтиришга, кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади», деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Бу сўзлар ҳамда олиб борилаётган ибратли ишлар ҳар бир ўзбекистонлик санъаткорга ва шу соҳанинг заҳматкаш мураббийларига, эндигина санъат йўлига кириб Ватанни куйлашга жазм этган ёш талант соҳибига фахр ва ифтихор туйғуларини бериш билан бирга улкан масъулият ҳам юклайди.

Инсон яратилибдики, у ҳамиша ўз тақдирини миллат, Ватан ва халқ қайғуси билан боғлайди. Ҳар биримизнинг зиммамизда шу юртнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишдек улуғ вазифа бор. Чунки шу азиз Ватандан азиз, улуғ ва мўътабар туйғунинг ўзи йўқ.

Дунёда эзгулик деган буюк сўз бор. Бу сўзнинг замирида бир олам маъно ётибди. Унинг таърифу тавсифини тўлиқ англаган ва бу ноёб туйғуни бутун вужудига жо қилган кишигина чинакамига улуғворлик, бунёдкорлик, яратувчилик хислатларига эга бўлади.

Халқимизнинг маънавий-руҳий юксалишига қувват берадиган маданиятимиз, санъатимиз тараққиётига давлат ва ҳукумат томонидан кўрсатилаётган жонкуярлигу меҳрибонлик эзгуликнинг юксак ёғдуларидир.

Бу эзгулик ёғдулари буюк келажак сари одимлаётган халқимиз, миллатимиз маънавиятининг нурафшон йўлларини ҳамиша ёритиб тургуси.

Азамат ҲАЙДАРОВ,
Маданият ишлари вазирлигининг бошқарма бошлиғи.

2002 йилнинг 24 сентябрида Туркманистон Президенти С.А.Ниёзов Ўзбекистон билан чегарадош Тошогуз вилоятига ташриф буюрди. Вилоят раҳбарларининг кенгашида сўзга чиқар экан, Туркманистон Президенти Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги алоқаларнинг аҳволи ва истиқболи хусусида тўхталди.

Туркманистон Президентининг ташаббусига оид

С.Ниёзов ўзбек ва туркман халқларини ягона тарих, ўзаро уйғун маданият ва яқин қондошлик алоқалари боғлаб туришини қайд этди. Президент икки мамлакат ўртасида ҳеч қандай келишмовчилик мавжуд эмаслигини таъкидлар экан, бундан кейин ҳам қўшнилар билан ўзаро дўстона алоқаларни давом эттиришга даъват қилди.

Шу маънода, Туркманистон Президенти Тошогуз ва Хоразм вилоятларининг ўзаро чегарадош районлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш муҳим эканига алоҳида эътибор қаратди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш мақсадида Туркманистон томони Ўзбекистон билан ўзаро чегарадош ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ учун Тошогуз вилоятида бозор мажмуаларини барпо этишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон томони икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни жадал ва барқарор ривожлантириш ўзаро манфаатли эканини эътиборга олган ҳолда, Туркманистон раҳбарининг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Тарихий ва маданий жиҳатдан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари ўртасида асрлар давомида дўстона қўшничилик муносабатлари қарор топган. Неча юз йиллардан буён икки мамлакат халқлари ўртасида фаол ва мустаҳкам савдо-иқтисодий алоқалари мавжуддир.

Чегарадош ҳудудларда ўзаро савдо-сотиқ алмашиш мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожининг илғор ва самарали шакли эканини дунё тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Шу боисдан, Туркманистон Президентининг таклифи давлатлараро муносабатларимиз равнақига ижобий таъсир кўрсатиши ҳамда чегарадош икки мамлакат вилоятларининг барқарор тараққиётига кўмаклашиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон томони ҳам ўзининг Туркманистон билан чегарадош ҳудудида шундай савдо инфратузилмасини яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этади.

ТОШКЕНТ УЧ ЮЗТА ЯНГИ АВТОБУС ОЛАДИ

"Даймлер Крайслер АГ" концерни бошқаруви аъзоси, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Германия иқтисодиёти қўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангольд раҳбарлигидаги делегация бир неча кун давомида мамлакатимизда меҳмон бўлди. Дунёнинг энг йирик автомобилсозлик концерни вакилларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Учрашувда сўнгги вақтларда концернинг автомобилсозлик учун янги технологиялар ва техникавий жиҳозлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга, мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларда қатнашишга қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланди. Шунингдек, Германиянинг йирик сармоядорлари, фирма ва компаниялари қаторида "Даймлер Крайслер" ҳам мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш ниятида эканлиги маълум қилинди.

"Даймлер Крайслер АГ" делегациясининг ҳукумат вакиллари, қатор идора ва муассасалар раҳбарлари билан ўтказган музокараларида ҳам Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасида истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар, иқтисодий дастурлар юзасидан фикр алмашилди.

1 октябрь куни эса делегация аъзолари ташриф якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

— Автомобилсозлик, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги энг йирик компаниялардан бири бўлган "Даймлер Крайслер АГ" Ўзбекистон билан анчадан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, — деди К.Мангольд анжуманда. — Буни пойтахтингиз аҳолисининг узоғини яқин қилаётган автобусларимиздан ҳам билса бўлади, 1992-1995 йиллар давомида биз Ўзбекистонга икки юзта йўловчи автобуси етказиб берган эдик. Мазкур ташриф чоғида биз ўша автобуслар ҳозирги кунга қадар беминнат хизмат қилаётганига амин бўлдик. Бу бир томондан маҳсулотимизнинг юқори сифатидан дарак берса, иккинчи томондан ундан фойдаланаётганларнинг юксак малакасидан ҳам далолатдир.

Ўзбекистон раҳбарияти билан музокаралар чоғида қатор лойиҳаларни давом эттириш ва янгиларини бошлаш имкониятлари борасида фикр алмашдик. Хусусан, Ўзбекистон томони Тошкент шаҳри аҳолиси учун яна уч юзта йўловчи автобуси харид қилишни мўлжаллаётганини маълум қилди. Режага кўра, "Даймле Крайслер"нинг янги авлод автобуслари кейинги йил баҳор ойларидан Тошкент аҳолисига хизмат кўрсатишни бошлайди.

К.Мангольд журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўсиш суръати мамлакатимизга киритилаётган сармоя ҳажмини ошириш учун яхши асос бўлишини таъкидлади. Шунингдек, у келажакда амалга оширилиши мумкин бўлган янги дастурлар тўғрисида гапириб, "Даймлер Крайслер АГ" Ўзбекистон ҳаво флотини такомиллаштиришда ҳам иштирок этиш ниятида эканини айтди.

(ЎзА).

Иқтисодий соҳа:

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида жамиятимиз тараққиёти устувор йўналишларининг учинчиси **«бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат»** эканлиги белгилаб берилди. Бу йўналишнинг муваффақиятли амалга оширилиши, биринчи навбатда, хусусий секторнинг мавқеини янада оширишни, кичик ва ўрта тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади. Мустақиллигимиз рамзларидан бири бўлган сўмимизнинг барқарорлигини ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамламасдан, жозибадор инвестиция муҳитини ва инвесторлар учун кафолатларни яратмасдан, ташқи ва ички сармояларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта заҳираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтирмасдан, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтирмасдан, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашмасдан, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратмасдан туриб, бу устувор йўналишнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишини тасаввур этиш амалда мумкин эмас. Энг аввало, бугунги кунда иқтисодий соҳада вазифаларнинг айнан шундай белгиланганлигини ҳар биримиз тўла-тўкис идрок этмоғимиз лозим.

Шу ўринда «Хўш, вазифалар нега бу шаклда белгиланаяпти? Уларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Вазифалар шу тарзда белгиланган экан, биз нималарга эътибор бермоғимиз лозим-у, қандай ишларни амалга оширишимиз керак?» деган саволлар туғилиши табиийдир. Бундай ҳаётий саволларга жавоб бераётган пайтимизда, шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида иқтисодий соҳада, айрим ҳолларда ақл бовар қилмайдиган ишлар амалга оширилганлигини холисона тан олмоғимиз лозим. Бу ўринда мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий жараёнларини ўзида акс эттирувчи ва бир неча миллиард АҚШ долларида ифодаланувчи рақамларни келтириб ўтиришимиз, республикамиз ялпи ички маҳсулотининг қанча қисми қайси секторларда ишлаб чиқарилаётганлигини ифодаловчи диаграммаларга мурожаат этишимиз, қанча миқдорда хорижий инвестицияларнинг жалб қилинганлиги-ю, қанча янги корхоналарнинг қурилганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишимизга ҳожат бўлмаса керак. Бунинг учун тегишли статистик тўпламларга, бир зумгина ваффақиятли амалга оширилиши, биринчи навбатда, хусусий секторнинг мавқеини янада оширишни, кичик ва ўрта тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади. Мустақиллигимиз рамзларидан бири бўлган сўмимизнинг барқарорлигини ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамламасдан, жозибадор инвестиция муҳитини ва инвесторлар учун кафолатларни яратмасдан, ташқи ва ички сармояларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта заҳираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтирмасдан, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтирмасдан, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашмасдан, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратмасдан туриб, бу устувор йўналишнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишини тасаввур этиш амалда мумкин эмас. Энг аввало, бугунги кунда иқтисодий соҳада вазифаларнинг айнан шундай белгиланганлигини ҳар биримиз тўла-тўкис идрок этмоғимиз лозим.

Шу ўринда «Хўш, вазифалар нега бу шаклда белгиланаяпти? Уларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Вазифалар шу тарзда белгиланган экан, биз нималарга эътибор бермоғимиз лозим-у, қандай ишларни амалга оширишимиз керак?» деган саволлар туғилиши табиийдир. Бундай ҳаётий саволларга жавоб бераётган пайтимизда, шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида иқтисодий соҳада, айрим ҳолларда ақл бовар қилмайдиган ишлар амалга оширилганлигини холисона тан олмоғимиз лозим. Бу ўринда мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий жараёнларини ўзида акс эттирувчи ва бир неча миллиард АҚШ долларида ифодаланувчи рақамларни келтириб ўтиришимиз, республикамиз ялпи ички маҳсулотининг қанча қисми қайси секторларда ишлаб чиқарилаётганлигини ифодаловчи диаграммаларга мурожаат этишимиз, қанча миқдорда хорижий инвестицияларнинг жалб қилинганлиги-ю, қанча янги корхоналарнинг қурилганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишимизга ҳожат бўлмаса керак. Бунинг учун тегишли статистик тўпламларга, бир зумгина бўлса-да, назар солишнинг, оммавий ахборот воситалари орқали ҳар биримизнинг эътиборимизга ҳавола этилаётган маълумотларга нисбатан озгина эътиборли бўлишнинг ўзи кифоя.

Шундай бўлишига қарамасдан, учинчи устувор йўналишда вазифаларнинг айнан шу мазмунда қўйилаётганлиги, албатта, бежиз эмас. Чунки вазифаларнинг бу тарзда қўйилаётганлиги, бир томондан, бизни иқтисодий соҳада эришган ютуқларимиздан эсанкирамасликка ва хотиржамликка берилмасликка чақирса, иккинчи томондан, ҳамон иқтисодий соҳада олдимизда қилиниши лозим бўлган талайгина ишлар турганлигидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, агар учинчи устувор йўналишда акс эттирилган вазифаларга назар соладиган бўлсак, ҳамон уларнинг ҳар бирига хос каттагина имкониятларни қўлдан чиқариб келаётганлигимизнинг, айрим ҳолларда ўйламасдан қадам ташлаб қўйганлигимизнинг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳолатларнинг содир этилаётганлиги, иқтисодий нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳар биримизга, давлатимизга анча қимматга тушаяпти.

Шу ўринда газетхонларимизга тушунарли бўлиши учун биргина мисол келтирайлик. Иқтисодий соҳага бағишланган устувор йўналишларнинг учинчи қисмида, жумладан, олдимизда турган энг муҳим ишларимиз қаторида халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш вазифаси белгиланган. Нега?

Маълумки, мустақиллик йилларида халқаро молиявий ташкилотлар — Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки (ЖБ), Европа Тараққиёт ва тикланиш банки (ЕТТБ), Осиё Ривожланиш банки (ОРБ) ва бошқалар билан бевосита, тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. Мамлакатимизнинг миллий эмас, балки халқаро аҳамияти ҳам эга бўлган йирик лойиҳаларни молиялаштиришда ҳамкор сифатида иштирок этилаётганлиги, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бир неча юзлаб миллион АҚШ доллари ҳажмидаги халқаро грантларнинг ажратилаётганлиги, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида мавжуд бўлган диспропорциялар (номутаносибликлар)нинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ва ҳоказолар ана шулар жумласидандир.

Албатта, бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Қўлни қовуштириб ўтириш оқибатида ана шу натижаларга эришишнинг сира иложи йўқ. Бу ўринда агар халқаро молиявий ташкилотлар томонидан Ўзбекистондаги тадбирлар маълум даражада қўллаб-қувватланаётган ёки молиялаштирилаётган экан, уларнинг барчасига, энг аввало, республикамиз раҳбариятининг пухта ўйланган ва узоққа мўлжалланган нозик иқтисодий сиёсатининг натижаси сифатида қарашимиз керак. Холисона тан олиш керак, бу соҳадаги иқтисодий сиёсат ўзгача бўлган тақдирда бундай натижаларга эришиб бўлмасди.

Бироқ биз бугунги кунда қўлга киритилган ютуқларимиз билан чекланиб қолмаслигимиз ва аксинча, устувор йўналишларда белгиланганидек, «халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш»имиз зарур. Вазифанинг бу тарзда қўйилиши халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизнинг ҳозирги аҳволи, маълум даражада, қониқарли эмаслигидан далолат беради. Дастлаб биз ана шундан огоҳ бўлмоғимиз, эътиборимизни масаланинг шу томонига қаратмоғимиз ва навбатдаги қадамимизни шундан келиб чиққан ҳолда қўймоғимиз лозим.

Чиндан ҳам, бу вазифа айнан шу тарзда бекордан-бекорга кун тартибига қўйилаётгани йўқ. Чунки амалиётга назар соладиган бўлсак, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш ва бунинг натижасида янада юқорироқ кўрсаткичларга эришишимиз учун каттагина имкониятларимиз мавжуд эканлигининг, улардан етарли даражада ҳамда ўз вақтида фойдалана олмаётганлигимизнинг гувоҳи бўламиз. Буни тушуниш учун қуйидагиларга эътибор берайлик: амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, халқаро молиявий ташкилотлар Ўзбекистон учун молиявий характердаги қарорлар қабул қилиш учун, дастлаб, тегишли маълумотларни талаб қилишади. Тан олайлик, айрим ҳолларда, арзимас сабабларни рўкач қилиб, керакли маълумотларни ўз вақтида тақдим қилишнинг уддасидан чиқа олмаяпмиз. Тақдим этилган маълумотларимиз ва уларда келтирилган рақамларимиз баъзи ҳолатларда бир-бирига зид келиб қолмоқда. Таклифларимизни ёки фикрларимизни етарли даражада ишонарли қилиб асослаб бера олмаяпмиз. Ўз зиммамизга олган мажбуриятларимизга нисбатан эса, айрим ҳолатларда, ҳафсаласизлик қилиб, уларни бажаришда ҳам маълум даражада хатоликларга йўл қўяяпмиз. Негадир, халқаро молиявий ташкилотлар билан бўлаётган муносабатларимизда «Қарс икки қўлдан чиқади», «Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам», «Сиздан угина, биздан бугина» каби ўзбекона нақлларнинг бекордан-бекорга айтилмаганлигини унутиб қўяётирмиз.

Юқоридаги ҳолатларнинг содир этилаётганлиги, сиртдан қаралганда, арзимас бир нарсага ўхшаса-да, лекин айрим ҳолларда улардан биргинасини эътибордан четда қолдириш халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратилиши лозим бўлган, Ўзбекистон иқтисодиёти учун, ўрни келганда, сув ва ҳаводек зарур бўлган юз миллионлаб АҚШ доллари ҳажмидаги маблағларнинг ўз вақтида ажратилишига тўсқинлик қилмоқда ёки уларнинг ажратилиш муддатларини ортга сурмоқда. Бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини идрок этиш ҳар биримиздан, албатта, унча катта ақл талаб этмайди.

Биз бу ерда «Ўзбекистонимиз халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратиладиган маблағларга муҳтождир» деган фикрни билдирмоқчи эмасмиз. Аксинча, истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонимиз бундай ташкилотларнинг молиявий ёрдамисиз ҳам мустақил равишда ўз қаддини ростлаб олиш имкониятига эга. Ватанимизнинг мавжуд иқтисодий салоҳияти ана шундан далолат беради. Лекин шундай бўлса-да, бир вақтнинг ўзида биз Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми эканлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларида эса маълум мақсадларга эришиш учун халқаро молиявий ташкилотларнинг кўмагидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Шу маънода, биз ҳам мамлакатимиз учун халқаро молиявий ташкилотлар томонидан маблағлар ажратилишидан манфаатдормиз. Буни ҳам тан олайлик.

Шу жойда масаланинг бошқа бир жиҳатини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Чунки биз учун маблағлар ажратилишидан халқаро молиявий ташкилотларнинг ўзлари ҳам биздан кам манфаатдор эмас. Бунинг боиси шундаки, бозорнинг ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган қонунларига мувофиқ, улар ихтиёрида тўпланган маблағлар, бир дақиқа бўлса-да, ҳаракатсиз туриши мумкин эмас. Ҳар бир халқаро молиявий ташкилотнинг ўз ихтиёридаги маблағларни у ёки бу мамлакатлар иқтисодиётининг тармоқларига самарали жойлаштиришга ҳаракат қилмасдан ўзга чораси йўқ. Бозорнинг ёзилмаган қонуни шуни тақозо этади.

Шундай экан, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим омил сифатида қаралаётган халқаро молиявий ташкилотлар ихтиёридаги молиявий ресурсларни ўз вақтида ўзлаштириб олишга эришиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эмасми? Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳар биримиз, энг камида, ўз иш жойимизда Ватанимизнинг салоҳиятини, унинг нимага қодир эканлигини кўрсата олишимиз, ҳисоб-китобларимизнинг кам-кўстсиз бўлишини таъминлай олишимиз, масъулиятимизни оширишимиз, бефарқлик, ўзибўларчилик ҳолларига сира йўл қўймаслигимиз лозим.

Бизнинг фикримизча, учинчи йўналишда акс эттирилган ва иқтисодий соҳага тегишли ҳар бир вазифанинг мазмун-моҳиятини тўғри идрок этсак, уларга хос мавжуд имкониятларимизни кўра олсак ва шунга мос равишда ҳаракат қилсак, ҳар биримизнинг орзумиз бўлган келажаги буюк давлатни қуриш йўлида бугун мустаҳкам иқтисодий пойдевор яратишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Тоҳир МАЛИКОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Италия тадбиркорлари Бухорода

Бухоро вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси савдо айрибошлашни ривожлантириш бўлими раҳбари Футвия Лузини хоним бошчилигидаги мутахассислар билан учрашув бўлиб ўтди.

Палата раиси Н.Аитов меҳмонларга вилоятда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлик имкониятлари ҳақида гапириб берди. Ф.Лузини хоним Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётган Италия компаниялари мевасабзавотни қайта ишлаш, енгил саноат технологиялари киритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорликка тайёр эканини маълум қилди. Мулоқот якунида бу борадаги амалий ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Ёшлар даъвати

Республика «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти кенгашининг БМТ Болалар фонди, бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштираётган тадбирлари орасида «XXI аср вабоси» дея ном олган гиёҳвандлик ва СПИДга қарши кураш мақсадида тузилган «Ёшларнинг маърифий дастури» фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Дастур асосида вилоятда 4 кунлик махсус семинар ўтказилди. Малакали мутахассислар, фахрийлар иштирокида давра суҳбатлари, ижтимоий сўровномалар, психологик тестлар уюштирилди.

Жиззах шаҳридаги «Ёшлар маркази» мажмуида бўлиб ўтган хайрия акциясида иштирок этган 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз бахтли, соғлом турмуш кечираётган тенгдошларининг фаровон ҳаётлари ва аксинча СПИД ва гиёҳвандликнинг аянчли оқибатларидан ҳикоя қилувчи видеолавҳалар, суратларни томоша қилдилар.

Дастур иштирокчилари вилоятдаги барча ёшларни соғлом турмуш тарзига, гиёҳвандлик ва ҳар қандай касалликлардан сақланиш учун ҳушёрликка даъват этувчи мурожаатнома қабул қилдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дўст топиш — донишмандлик

АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Ҳёрбст жаноблари икки кунлик амалий ташриф билан Сурхондарё вилоятида бўлди

Иззатли меҳмонни вилоят ҳокими Т.Ў.Қодиров кутиб олди ва қабул қилди. Томонлар Америка билан Ўзбекистон давлатлари ўртасида дипломатик алоқалар мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Бу муносабатлар Сурхондарё вилоятининг ҳам иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўзининг ижобий таъсирларини кўрсатмоқда. АҚШнинг халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) вилоятда сув хўжалигини автоматлаштириш намунавий лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳанинг мақсади – воҳадаги магистрал каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини ва инфратузилмасини такомиллаштириш. Магистрал каналлар мажмуи 250000 гектар ернинг суғориш шароитларини яхшилайди.

Шунингдек, Америка томони вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Самимий ва дўстона ўтган суҳбатдан сўнг Жон Ҳёрбст жаноблари Аму-Занг канали ҳавзасидаги Жарқўрғон сув иншоотини бориб кўрди. Ишлаб чиқилган лойиҳанинг техник ечимлари ва аҳамияти хусусида соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари билан танишди.

Жарқўрғондаги «Эски Қўрғон» маҳалласининг қишлоқ врачлик пунктидаги учрашув ҳам мароқли кечди. АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги молиялаштирадиган Здрав Плюс лойиҳаси бўйича воҳанинг Музработ, Термиз ва Жарқўрғон туманларида муайян ишлар амалга оширилади. Хусусан, кадрларнинг малакамаҳоратини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш тадбирлари мазкур лойиҳа доирасида бажарилади.

Америкалик меҳмонлар «Ишонч» жамоатчилик телевидениеси ижоди ходимлари ҳузурида бўлдилар.

Дўстлик ва қардошлик одимлари мамлакатимизнинг узоқ қишлоқларига ҳам етиб бораётгани диққатга сазовор. Элчи жаноблари Музработ туманининг Абдулла Қодирий номли жамоа хўжалигидаги Зоир Полвон маҳалласида бўлди ва бу ерда Американинг ҳамжамиятлар сафарбарлиги ва инфратузилмани такомиллаштириш (САІР)га оид янги лойиҳаси бошланганини билдирди. Зоир Полвон маҳалласи САІР лойиҳасида иштирок этадиган Сурхондарёдаги 16 та ҳамжамиятнинг биридир. Бу ерда ҳамжамиятнинг ташаббускор Кенгаши тузилди. Кенгаш аъзолари янги ишчи ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни ўрганиш ва амалга ошириш бўйича ўқув машғулотларини ўтказдилар.

— Қитъа ортидаги буюк мамлакат билан ҳамкорлик ришталарини ўрнатаяпмиз. Бу Мустақиллигимиз шарофатидан, — дейди маҳалла раиси Қурбон Жумаев эслчига ўз миннатдорлигини изҳор қилиб. — Лойиҳа амалга ошгандан сўнг маҳалламиздаги аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади. Биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнинуфузини ҳис этиб бошладик. Бу ҳис-туйғудан фахрланамиз. Ғурурланамиз.

Жон Ҳёрбст жаноблари, шунингдек, Сурхондарёнинг диққатга сазовор тарихий маданий масканларини бориб кўрди. Ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаган қадимий ва навқирон Термиз шаҳридаги ўзгаришларни мамнуният билан таъкидлади.

Мартабали меҳмоннинг воҳадаги ташрифи чоғида унга вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ.Мадартов ҳамда USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ж.Гоген ҳамроҳлик қилдилар.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу азиз Ватан - барчамизники

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

Билиб айтишган: ҳақиқатан ҳам, кўнгил кўнгилдан сув ичади. Буни Навоий шаҳридаги «Лочин» маҳалласи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 43 миллат ва элат вакилларидан ташкил топган жамоада 4250 жон баҳамжиҳат яшаяпти.

Аҳиллик бор жойда имкониятнинг янги эшиклари очилавериши, муаммолар ўз-ўзидан камайиб бораверишини «лочин»ликлардан сўранг. Шаҳардагина эмас, вилоятдаги 329 жамоа ўртасида «энг аҳил ва намунали маҳалла» номини олиш ўз-ўзидан бўлган эмас.

Маҳалла оқсоқоли Абдусамат Набиевни йиғинларда, тўй-маъракаларда бир неча бор кузатганман. Доимо иноқлик, инсоний меҳр-муҳаббатдан сўз бошлайди. Олим бир йўла икки фан — химия ва араб тиллари бўйича фан номзоди эмасми, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапиради.

— Дўстлик тушунчасининг замирида кишиларга бўлган чинакам хайрихоҳлик, эъзозлаш, қадр-қимматини ўрнига қўйиш, тақдири учун қайғуриш каби олижаноб туйғу ётади, — дейди Абдусамат ака Набиев. — Аввало, оила, маҳаллада ана шу фазилатларни мужассамлаштириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Дўстликни қадрлайдиган кишилар бошқалар ҳаётида юз бераётган аччиқ-чучук воқеаларни бефарқ кузатмайдилар. Балки худди ўз бошидан кечираётгандек фаол муносабатда бўладилар. Дўстлик — қадр-қимматни сақлаш, ўз Ватани ва халқининг шон-шарафи, ўз жамоаси ва унинг ҳар бир аъзоси шаънини ҳимоя қилиш, эъзозлаш демакдир.

Маҳалламизнинг ҳар бир аъзоси қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, бир-бирини иззатлаш, урф-одатларини ҳурмат қилишга одатланишган. Қаранг, уй бошқарувчиларимиз орасида 15 миллат вакиллари бор. Зинфира Гумирова татар, Шукур Ғамедов озорбайжон, Валентина Яковлева рус, Гулнора Дусанова қозоқ, Шокир Норбутов тожик, Хадича Сатторова қирғиз, Тилов Очилов ўзбек...

Байналмилал оилаларни санаб адоғига етолмайман. Кунора улар кўпайиб бораяпти-да. Мана, биргина Владимир Булат кўчаси 43-уйнинг 2-хонадонида яшовчи Ўғилой опа Эргашева оиласини олиб кўрайлик. Катта ўғли Абдуҳамид рус қизи Олия, кичик ўғли Ҳабиб украин қизи Анна, қизи Манзура грек Рома исмли йигит, кичик қизи Маҳбуба инглиз фарзанди билан аҳил-иноқ яшаяпти. Ҳавасинг келади шундай оилаларга. Ҳамма миллат қадриятлари уларда мужассам.

Ўзаро ота-бола, она-қиз, ака-ука, опа-сингил тутинган турли миллат вакилларининг борди-келдилари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Яқинда В.Булат кўчаси 37-уйнинг 14-хонадонида яшовчи қария Павел Гайдайчук вафот этди. У билан ота-бола киришган Ҳамза Қаҳҳоров (ички ишлар бўлими ходими) дафн ва ундан кейинги барча расм-расумларга бош бўлди. Шу кўчадаги 37-уйнинг 6-хонадонида яшовчи Владимир Пономаренко Бахтиёр исмли ўғлим бор дейди. Бахтиёр ҳам уни «отец» деб ҳурматини жойига қўяди. Тўй-маъракаларда доимо бирга. Қарияни кўпроқ ўғлининг уйида учратаман...

Абдусамат ака билан суҳбатлашиб, кўчаларни айланамиз. Тоза-озодаликдан баҳрингиз яйрайди. Бинолар атрофи соя-салқин. Гулларнинг хилма-хиллигидан кўзингиз қамашади. Болалар майдончаларида шарт-шароит етарли.

— Шу даҳада бир опа яшайди. Анчадан бери касал ётибди. Хизмат кўрсатган қурувчи унвони бор. Бир ҳол-аҳвол сўраб чиқамизми? — дея Ибн Сино кўчаси 41-уйнинг 6-хонадонига бошлади оқсоқол.

— Ҳозиргина Муҳаббат (маҳалла қўмитаси котибаси) келганди, — деди Валентина Терентова ҳол-аҳвол сўрашгач. — Оёқларим бўйсунмаяпти. Безовтаман. Лекин қўни-қўшниларнинг меҳрибонлигидан кўнглим тоғдек. Касалликка чалинмасдан олдин баъзи суҳбатларда «Маҳаллам тинч — олам тинч» қабилидаги иборани жуда кўп эшитардим. Русча мағзини сўраб, ҳайратга тушардим: қизиқ, маҳалла қаёқдаю, олам қаёқда? Энди билсам, биз, руслардаги «Оиланг тинч — олам тинч» мақолининг мазмунига монанд экан. Минг бора раҳмат маҳалладошларимга. Ҳечам яккаланиб қолганим йўқ. Ҳол-аҳвол сўраб, қўлларидан келган ёрдамларини аяшмаяпти...

Йўл-йўлакай В. Булат кўчаси 39-уйнинг 8-хонадонига ҳам кириб ўтдик. Хонадон соҳибаси Сарвар ая Зиёева 76 ёшда, тожик миллатига мансуб. Ён қўшниси хокас қизи Ася Турсунова унинг иссиқ-совуғидан хабардор экан. Ҳар куни 10-15 киши ҳол-аҳвол сўраб келаркан.

— Биз бир тан-бир жон бўлиб яшаяпмиз, — дейди Ибн Сино кўчаси 41-уйнинг 11-хонадонида яшовчи пенсионер Виктор Лебидев. — Кувончу-ташвишларимиз бир, тўй-маъракамиз бир, бир қозондан ош еймиз. Шундай экан, бизни, турмуш ўртоғим Валентина билан бирга ўзбек десангиз ҳам бўлаверади. У саноат коллежида ўқитувчи, уйда ўзбекча гаплашишга одатланганмиз.

— Ҳаётнинг таъми дўстлик билан, тинчлик билан, — дея сўзида давом этди Абдусамат ака. — Яқинда маҳалламизда ажойиб тўй бўлиб ўтди. Халқлар дўстлиги кўчаси 45-уйнинг 67-хонадонида истиқомат қилаётган Абдуазим ака Абдурасулов қизи Насибани (ҳамшира) турмушга чиқарди. Куёв бўлмиш Шуҳрат Неъматов машинасозлик заводида ишлайди, миллати тожик. Маҳалладош қудалар тўйида ўтириб, хизмат қилаётганларни кузатдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, рус, украин, корейс, татар, қозоқ, латиш, қирғиз, қўйингки, 13 миллат вакилларини санадим. Мана, сизга мустаҳкам дўстлигимизнинг яна бир ҳаётий ифодаси.

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Юртбошимиз миллатлараро тотувлик, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашга даъват этдилар. Бу жараён, аввало, маҳаллада юз кўрсатаяпти. Менимча, ҳар бир жамоада дўстлик, тинчлик, тотувликни таъминлаш жамики ютуқлар гаровидир.

Дарҳақиқат, айнан ушбу маҳалла фаолияти кўпчиликка ибрат бўларлик. Ҳеч қачон бу ерда миллат сўраб-суриштирилмайди. Аксинча, ҳар бир инсоннинг хоҳиш-иродасини намоён этишга ёрдам кўрсатилади. Қадр-қиммат олдинги ўринда туради. Барча тадбирларда кўпчиликнинг иштироки таъминланади. Ҳашарлардан ҳеч ким четда қолмайди.

480 нафар фахрий, 200 дан зиёд кам таъминланган оилалар доимий назоратда. Топилгани тенг бўлинади. Тўй жиҳозларини четдан келтиришга ҳожат йўқ, ҳаммасини маҳалла қўмитаси етказиб беради.

Ака-ука, дўст-биродарлик фазилатлари болаларга ҳам юққан. Мана, уч йилдирки, 9-11 ёшли болалар футбол бўйича мусобақаларда шаҳар ғолиби. Кийим-бош, спорт жиҳозлари маҳалла жамғармаси ҳисобидан янгиланиб турилибди. Беруний номли мактаб стадиони қайта таъмирланаяпти. Ишсизлар сони тобора камайиб бормоқда. Яқинда Дилором Отақулова (Халқлар дўстлиги кўчаси 43-уй, 49-хона) бу борада яхши ташаббус бошлади. Уйида тикув машинасига эга бўлган 20га яқин хотин-қизларни бирлаштириб, буюртма асосида турли кийим-кечаклар тикишни йўлга қўйди.

Абдусамат ака маҳалла даромадини янада ошириш йўлларини излаётган экан. Шаҳар четидан 20 гектар ер олиб, маҳалла ҳамёнини тўлдиришга хизмат қилдирмоқчи, янги иш ўринлари яратмоқчи.

Қўлни-қўлга бериб, елкамаелка яшаётган, туташ тақдирли инсонлар ҳаёти ҳақида яна анча гапириш мумкин. Муҳими, тинч-тотув турмуш, миллатлараро тенглик ҳукмрон бу ерда. Мустақиллик, дўстлик деган умрбоқий сўзлар уларга ҳар доим мададкор.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қуруқ меванинг ҳам ўрни бор

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти – Сурхондарёнинг Олтинсой ва унинг атрофидаги туманларида ёз ва куз ойларида етиштирилган мева, сабзавот маҳсулотлари ҳамда қўкатлар қишда ҳам аҳоли дастурхонини безайдиган бўлди. Олтинсойда 3 тонна дала ва боғ неъматларини қуритиш қувватига эга Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қуритилган маҳсулотлар эса ўзининг табиий дармондориларини сақлаб қолаётгани, экологик тозалиги жиҳатидан харидорларнинг эътиборини тортмоқда.

СУРАТДА: ***илғор ишчи Малоҳат Зафарова.***

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Японияниг замонавий амалий санъати

Республикамизда Япония маданияти кунлари муваффақиятли давом этмоқда. Бу тадбир доирасида Замонавий санъат марказида Кунчиқар ўлка замонавий амалий безак санъати кўргазмаси очилди. У Японияниг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Япония халқаро алмашинув жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси кўмагида ташкил этилди.

Мазкур кўргазманинг тантанали очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев, Японияниг республикамиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато, Бадиий академия раиси Т.Қўзиев ва бошқалар мана бир неча йилдан бери мамлакатимизда Кунчиқар ўлка маданияти кунлари муваффақиятли ўтказиб келинаётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг Японияга қилган ташрифи туфайли икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланмоқда. Ушбу кўргазма эса ўзбекистонликларни Японияниг қадимий ва замонавий маданияти билан таништириш мақсадида ташкил этилган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ахборот

Мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши ва порахўрлик иллатларини бартараф қилиш юзасидан республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ўтказилаётган тадбирлар давом эттирилмоқда.

2002 йил 26 сентябрь куни Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўтказилган 3 та тадбир натижасида, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларидан фойдаланиш департаментининг Яккасарой тумани бўлими бошлиғи Зокир Очилов дўкон учун ижарага бино бериш ва кейинчалик хусусийлаштириш эвазига тадбиркор Е.Гусевадан 7200 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шуҳрат Тўхтаев туман ҳудудидан хусусий фирма ташкил қилиш ва рўйхатга олиш эвазига фуқаро А.Исмоиловдан 100 АҚШ доллари ва 25.000 сўмни пора тариқасида олган вақтида, ёнгинга қарши кураш республика жамияти кенгаши раиси Зулпухар Арипбаев шу жамият раисининг ўринбосари лавозимига ишга қабул қилиш эвазига фуқаро Ж.Мадазовдан 2000 АҚШ долларини пора тариқасида олган пайтда ашёвий далиллар билан ушландилар.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот маркази.

Юртга намуна бўлдинг, жон АНДИЖОНИМ!

Вилоят пахтакорлари бу йил ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта топшириш шартнома режасини бажариб, Президентимизнинг табригига сазовор бўлдилар

Мен сизлар қўлга киритган бу ютуқларни аҳдида қатъий, лафзи ҳалол ва меҳнаткаш Андижон халқининг Ватанимиз равнақига қўшаётган муносиб ҳиссаси, деб баҳолайман.

Ислом КАРИМОВ.

- *Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган ҳар қандай ташаббус ҳамиша қўллаб-қувватланмоқда*
- *«Андижон технологияси» — янги босқичда*
- *Самарадорлик — бош мезон*
- *Янгича ишлаш шарофати*
- *60 центнерчилик ҳаракати тобора оммалашмоқда.*

Мамлакатимиз бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди: Андижон вилоятининг бир сўзли, марду майдон пахтакорлари 109.652 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, йиллик шартномавий режасини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 310 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга сотилди. Эришилган катта меҳнат ғалабасига, айниқса, республикамизда биринчи бўлиб маррага етиб, Юртбошимизнинг табригига сазовор бўлган Олтинкўл, довруқли Асака, ҳар жабҳада юксалиш йўлига чиқиб олган Избоскан ва Андижон туманлари пахтакорлари катта улуш қўшдилар.

Бугун дастлабки довондан ошиб, юзлари ёруғ бўлган ва ғолиблик нашидасини сураётган деҳқонлар, мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари бу муваффақиятларни ҳақли равишда истиқлолимизнинг тотли меваси, янгича ишлаш шарофати, деб баҳоламоқдалар.

Қўлга киритилган ютуқлар, шубҳасиз, «Андижон технологияси» билан бевосита боғлиқдир. Эрта кўкламда, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 20 мартга қадар чигит плёнка остига экилди. Об-ҳавонинг ўта беқарорлиги, айниқса, ёғингарчиликнинг кўп бўлишига қарамасдан, барча майдонларда тўла гектарлар яратилди. Ҳар гектар ерда ўтган йилдагига қараганда ўттиз мингта кўп кўчат бўлиши таъминланди.

Шуниси эътиборлики, ҳар йилгидан фарқли ўлароқ, жорий йилда мавжуд ерларга жаҳон бозори талабларига яраша тола берадиган «Оққўрғон-2», «С-2609», «Омад», «С-6770», «Меҳнат», «Андижон-9», «С-4910» ғўза навлари уруғи қадалди. Табиийки, бу навлар эртанги пахта етиштириш билан бирга, тайёрланган ҳосилнинг сифат кўрсаткичлари янада яхшиланишига имкон берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда «Андижон технологияси»нинг биринчи босқичи якунланди. Эндиликда ана шу технологияни янада такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган иккинчи босқич талабларини ҳаётга татбиқ этишга эътибор қаратилаётир. Жорий йилдан бошлаб пахтачилик истиқболини ҳисобга олган ҳолда вилоятнинг қатор хўжаликларида ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш ҳаракати бошланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Олтинкўл туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги пахтакорлари, таъбир жоиз бўлса, ана шу ҳаракатнинг қалдирғочлари бўлдилар. Тез орада бу ташаббусга қўшилган хўжаликлар сони 28 тага етди. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган ҳар қандай ташаббусни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган вилоят ҳокимлиги илғорликка интилаётган, янгиликларга дадил қўл ураётганларнинг янги ташаббусини ҳам юқори баҳолади. Уларга қатор имтиёзлар берилди. Ижарачи, механизатор ҳамда мутахассисларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш-нинг узвийлиги таъминланди. Буларнинг барчаси ўтган йиллар мобайнида тўпланган илғор тажрибаларни янада юқори поғонага кўтаришга туртки берди.

Йиғим-терим бошланиши олдидан бўлиб ўтган вилоят қишлоқ хўжалиги ходимларининг анъанавий маслаҳат йиғинида эса ташаббускорларнинг саъй-ҳаракатлари таҳлил этилиб, умумий пахта хирмонини 370 минг тоннага етказиш мумкин, деган қарорга келинди. Бу ялпи ҳосилдорликни 37,5 центнердан ошириш, қўшимча равишда 60 минг тонна хомашё топшириш, дегани эди.

Чўнг хирмон ўз-ўзидан яратилмайди, албатта. Бунинг учун қаттиқ ишлаш, ресурсларни сафарбар қилиш талаб этилади. Ғўза парвариши оби-тобида амалга оширилгани, кўсакларнинг очилиши 90-100 фоизга етганда теримга тушилгани, бу ишнинг ғоят қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтиши таъминлангани — ҳаммаси муваффақиятлар омили бўлди. Аввало, икки юз мингдан зиёд ишчи кучи теримга сафарбар этилди. Илғорликка интилиб, ғолиблар сафидан муносиб ўрин олганларга каттакатта совринлар ажратилди. Чунончи, вилоят ҳокимлиги томонидан биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини 130 фоиз бажаришга эришган туманга, шунингдек, давлат буюртмасини 150 фоиз уддалаган барча туманларга, ҳосилдорликни 50 центнерга етказган туманларга, пахта йиғим-терими мавсуми якунида карвонбоши бўлган туманга, гектар ҳисобига ўртача 60 центнердан ҳосил олган хўжаликларга мукофот учун биттадан енгил машина ажратилди. Терим пешқадамлари эса даланинг ўзида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётир. Терилган пахтанинг ҳисоб-китоби ҳар беш кунда амалга оширилаяпти. Бундай рағбатлардан ҳашарчилар, транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Ана шу чора-тадбирлар бугун ўз натижасини кўрсатмоқда. Мавсум давомида биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаларини бажарган Олтинкўл туманидаги «Намуна», Шаҳрихондаги «Шарқ юлдузи», Саримсоқов номли, Асакадаги Бобур номли, Избоскандаги «Шарқ юлдузи», Жалолқудуқ туманидаги «Ойим» ширкат хўжаликлари асосий улоқни олишга даъвогарлик қилмоқдалар.

Ўн-ўн бир йил муқаддам пахта тайёрлаш йиллик режасини сурункасига бажаролмай, ер чизиб юрган андижонлик деҳқонларнинг қадди бугун азим чинорлардай баланд, руҳи тетик, кайфияти чоғ. Улар ўз меҳнати самарасини кўриб, бундан руҳланган ҳолда жорий йилда вилоят тарихида биринчи марта рекорд ҳосил — 370 минг тонна пахта етиштириш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

СУРАТДА: *Андижон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аъзамжон Тўрабоев ва бош пудратчи Собиржон Темиров ҳосил чўғидан мамнун.*



СУРАТЛАРДА: *Балиқчи туманидаги «Чинобод» ширкат хўжалигида терилган пахта қабул пунктига жўнатилаяпти; Жалолқудуқ туманидаги «Ойим» ширкат хўжалигининг илғор теримчилари Манзурахон Султонова, Соҳибахон Азимова ва Ғуллолахон Юсуфалиева; теримчилар Муҳаббатхон Қозоқова, Муқаддасхон Зарипова ва Лочиной Раҳмонова кунига 100-150 килограммдан «оқ олтин» териб, Балиқчи туманидаги «Чинобод» ширкат хўжалиги хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.*

Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

Юксак баҳонинг қудратли кучи

«Бу муваффақият лафзи ҳалол, танти ва заҳматкаш деҳқонларнинг, бутун туман аҳлининг фидокорона меҳнати, қишлоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси сифатида ҳаммамизни қувонтирди». Давлатимиз раҳбарининг Олтинкўл тумани пахтакорларига йўллаган табригидаги ушбу сўзлар биринчи навбатда «Андижон» ширкат хўжалиги аъзоларига аталгандай эди. Нега деганда, Олтинкўлдаги мазкур жамоада ўша куни 283 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон уйилиб, шартнома режаси вилоятда иккинчи бўлиб бажарилганди-да. Бугун эса ана шу юксак баҳодан руҳланган заршунослар ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга эришдилар.

— Бу ютуқда, — дейди бошқарув раиси Қаҳрамонжон Сатторов, — аввало, пудратчилар ва фермерларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Масалан, Йўлдошали Тўйчиев бошлиқ пудратчилар ва Муҳаммаджон Кимсанов етакчилик қилаётган «Баҳодир» фермер хўжалиги деҳқонлари ҳозиргача гектар ҳисобига 42-52 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Биз илғорларни мукофотлаш учун 50 та телевизор ва 120 та гилам ажратганмиз. Бу қимматбаҳо мукофотларнинг асосий қисми ҳозирданоқ эгаларига топширилди.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, хўжалик маркази ва бошқа қишлоқлар ҳам тобора чирой очиб, обод бўлиб бораяпти. Ўтган бир йил ичида ҳашар усулида «Қариялар боғи» барпо этилгани, 3 миллион сўм маблағ сарфланиб, 26-мактаб биноси тўлиқ таъмирлангани, «Аълан» ва «Тумор» маҳаллаларидаги хонадонлар газлаштирилгани аслида бу ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Айни пайтда «Андижон» ширкат хўжалиги пахтакорлари 50 центнерлик маррани кўзлаган ҳолда йиғим-теримни давом эттирмоқдалар.

И. ҲОТАМОВ.

Сўз – 60 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорларига

Юзи ёруғнинг йўли ёруғ

Деҳқонман. Далага чиқанимгаям олтмиш йил бўлди. Бу орада не-не сувлар оқиб ўтди. Қанчалаб раҳбарлар келиб кетди. Бундоқ дўппини олиб қўйиб ўйласам, яқин эллик йил юқоридан берилган топшириқларни бажарибмиз. Биласиз, ижрочи одам бир ишга дадил қўл уролмайди, ўзини кўрсатолмайди, янгиликларга пешкаш келолмайди. Шундай бўлганидан кейин одамлар ҳам, хўжалик ҳам бир ерда депсиниб тураверар экан. Нима сабабдан режалар зўр-базўр бажарилганини, паст ҳосил олганимизни, йил — ўн икки ой даладан чиқмасак-да, косамиз оқармаганини эндиэнди тушуниб етдик.

Мана, бир неча йилдирки, туманимизда пахта тайёрлаш режаси сентябрь ойидаёқ бажарилмоқда. Ҳосилнинг асосий қисми фақат биринчи навга сотилаяпти. Гектарлар ҳосилдорлиги йил сайин юқорилаётир. Бу муваффақиятда жамоамизнинг ҳам салмоқли улуши бор.

Биз 1995 йилдан бошлаб чигитни плёнка остида ундириб олаяпмиз. Бирон қарич бўш ерни бекор қолдирмаяпмиз. Деҳқончилик ишларимизнинг бароридан келишида таъминот масаласининг узил-кесил ижобий ҳал этилганлиги ҳам муҳим омиллардан бири бўлаётир.

Кўплаб деҳқонлар, пудратчилар учун қирқ-эллик центнерлик марра чўт бўлмай қолди. Деҳқонларимиз қанча кўп пахта етиштиришса, шунча кўп манфаатдор бўлишларини англамоқдалар. Шу сабаб эрта баҳорда биз ҳосилдорликни олтмиш центнерга етказиш ташаббуси билан чиқдик. Саъй-ҳаракатимизни вилоят ҳокимлиги маъқуллади. Янгилик бутун Андижонда кўтаринки руҳда қўллаб-қувватланди.

Мен ҳеч бир муболағасиз айтаманки, деҳқончилик игна билан қудуқ қазишдай сермеҳнат. Бугунги ишни эртага қолдириб бўлмайди. Экин парвариши билан боғлиқ ҳар бир юмуш вақтида бажарилиши шарт. Деҳқончиликда буйруқбозлик кетмайди. У қатъий интизомни, эътиқодни, омилкорликни ёқтиради.

Жорий йилда 654 гектар ерда биринчи марта «Оққўрғон-2» ғўза навини парваришладик. Ҳар гектар ердан 32,03 центнердан ҳосил олиб, 2095 тонна пахтанинг ҳаммасини биринчи навга сотдик. Асалхон Расулова, Сиёсатхон Абдуллаева, Алижон Халилов сингари бош пудратчиларимиз 38-48 центнердан хирмон кўтаришди. Уларнинг бу йилги режаси ҳосилдорликни гектар ҳисобига 65-70 центнерга етказишдир.

Пахта тайёрлаш режасини 12 сентябрдаёқ бажаришимизнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, йиғим-теримга жалб этилганларга тўла шароит яратиб бердик. Илғорларни рағбатлантиришга эътибор қаратдик. Терилган пахта учун ҳар беш кунда нақд пул бериб борилди.

Айтиш мумкинки, жорий йил нафақат пахтакорларимиз, балки ғаллакорларимиз учун ҳам омадли келди. Улар 397 гектар ернинг ҳар гектаридан 76,1 центнердан дон олдилар. Ғалланинг ўзидан 217 миллион 791 минг сўм даромад қилинди. Бу маблағнинг бир қисми ишловчиларга тарқатилди. Умуман, йил мобайнида 155 тонна буғдой, 13,5 тонна ун, 6 тонна гуруч, 35,3 тонна ўсимлик ёғи, 3 тонна макарон, 481 кило чой пудратчиларга тақсимлаб берилди. Иш ҳақининг ҳисоби ҳар ойда амалга оширилмоқда.

Деҳқон иккита гапирмайди. Айтилган сўзни отилган ўқ, деб билади. Ориятли, лафзи ҳалол деҳқонларимиз «Пахтадан олтмиш центнердан хирмон кўтарамиз!» деган экан, албатта, сўзларининг устидан чиқадилар. Агар биз бу маррани эгалласак, қўшимча равишда 197 миллион 539 минг сўм даромадга эга бўламиз. Демак, қишлоқ ва маҳаллаларимиз янаям обод бўлади, аҳоли турмуш фаровонлиги тағинам яхшиланади.

Мамажон ҲАМРОЕВ,
Олтинкўл туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

Қишлоқ фидойилари

СУЮНЧИ

Баҳор. Далаларни ялпиз ҳиди тутди. Бўтакўзнинг митти кўзлари очилди. Ана, нозиккина ғўза ҳам тупроқни ёриб, бўй кўрсатди. Кетмонини елкасига ташлаб олган деҳқон эгатлар оралаб борар экан, кўзи дафъатан ўша мурғак ниҳолга тушди. Чеҳраси очилиб, кўзлари кулди. Улуғотғнинг виқорли чўққиларига нигоҳини қадади. Кейин пайкал бошида куймаланаётган ҳамсоясига суюнчилади:

— Чигит униб чиқди. Тоғда қор қолиб-қолмай ғўза кўрингани бизга омаду барака ёғилишидан далолат.

Орадан вақт ўтмай, бояги ғўзалар дуркун ўсиб, гуллади. Оқ, пушти, қизил. Эгатларга жилдиратиб сув тараётган деҳқоннинг юраги ҳапқирди, ҳар бири чоғроқ кетмондай келгувчи кафтини ҳамсоясининг кафтига ташлади:

— Раисимиз суюнчига қўчқор ваъда қилувди. Мана, қўйли бўлдик, биродар!

Кунларни ортмоқлаб ҳафта, ой ўтди. Чаноқлар бағри оппоқ пахтага тўлди. Майин, чигити тўлиқ, толаси пишиқ.

Деҳқон бу гал раис ҳузурига ошиқди:

— Пахта очилди, раис!

Марҳамат туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуҳолиқ Турсунов қучоғини кенг очиб, пудратчи Муҳаммаджон Шариповни бағрига босди.

— Пахта деманг, пахтамиз денг, — хонани кўтаргудек бўлиб кулди раис.

— Мени ҳар кўрганда «Муҳаммаджон яна суюнчи олгани келаяпти», дея чўнтак ковлайдиган бўп қолдингиз, раис, Ишқилиб...

— Сизларга ҳар қанча суюнчи оз, — жиддийлашди раис. — 274 гектар ерда озмунча ҳосил етиштирмадиларингиз! Бир йилда икки йиллик режани уддалайдиган миқдорда пахта-я! Сиз — хушхабар элчисисиз.

Орадан чамаси бир ой ўтгач, қишлоқда баҳор кўкламидай ёқимли, атиргул уфоридай ширин хабар қанот қоқди: хўжаликда икки йиллик марра эгалланди. Улоқ охунбобоевликларда кетди.

БАРАКА

Мезон куз келганидан дарак берди. Ариқларга сиғмай оқаётган сув бирдан сокин тортиб тиниқлашди. Далалар оқ ранг олиб, момиқ либос кийди. Салтанат ая дастурхонига бир жуфт иссиқ нон, икки бош узум, бир ҳовуч қанд-қурс ва майизни жойлади-да, тугунни бошига қўндириб, ана ўша далалар томон йўл солди.

— Эсизгина ёшлигим! Эгатларда қолиб кетди-я, — ўқариқ ёқалаб илдамлар экан, ўзи билан ўзи суҳбат қурди ая. — Саҳармардондан то атрофни кўз илгамай қолгунча пайкалдан чиқмай пахта терардик. Оқ қиров тушиб, қор ёғсаям раҳмлари келмасди катталарнинг! Уйга кўсак олиб кетиб, ярим кечагача чувиб чиққанларимиз-чи!.. Ҳозирги ёшларнинг бахтиям, тахтиям бутун экан. Куз оёқламай пахтани саранжомлаб олаяпти-я!

— Келинг, буви, нималар кўтариб юрибсиз, овора бўлиб-а?

— Сизлар бу ерда бўлсаларинг, уйда менинг кўнглим тинчирмиди, қизим, — тугунни келинига узатди ая. — Ўтиринглар, пича нафас ростлаб олинглар.

Қизлар этаклари устига ўтириб, тугунни очишди. Салтанат ая ёшлик ғайрати тутиб, белига этак боғлади. Хотин-халажларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, пахтазорга шўнғиди. Ҳаш-паш дегунча этак тўлди. Ая вазмин қаддини ростлади.

Етмиш икки яшар аянинг далага чиқиб, қизларига кўмаклашгани Дўрмонча қишлоғида овоза бўлиб кетди. Гарчи у терган пахта унчалик тош босмаган бўлса-да, ёшлар юрагига чўғ ташлади. Ўша чўғ аланга олди. «Озод» ширкат хўжалиги Бўз туманида биринчилардан бўлиб ғалабага эришгани ҳам шундан. Ҳозирнинг ўзидаёқ 459 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўттиз центнердан ортириб ҳосил олинди. Қурбонали Қодиров, Абдуғофир Рўзиев сингари пудратчилар эса бу кўрсаткични қирқ центнердан оширдилар.

«Озод»ликлар ўтган йили 41 центнерлик хирмон яратган эди. Бу йил улар эллик центнерлик довонни эгаллашмоқчи.

Хўжалик бошқаруви раиси Икромжон Маматов билан пудратчи Қурбонали Қодировлар Салтанат аяни ўртага олдилар:

— Онажон, бу ёғини ёшларга қўйиб беринг. Аммо сиз терган пахта хирмонга барака киритди, барака! Катта раҳмат!

БАХТ

Совчилар Собиржон ака хонадонидагиларнинг кўзини очирмай қўйишди. Айниқса, Абдукаримникидан келганлар.

— Ёшларнинг бир-бирига кўнгли бор, — очиғини айтишга мажбур бўлди меҳмонлар. — Фақат ҳамма гап сизда қолди. Розилик билдирсангиз, бас, бир ҳафтага қолмай, тўйни бошлаймиз.

— Қишлоқчилик, — вазмин гап бошлади Собиржон ака, — кўпчилик теримда бўлса. Бу ёқда биз карнай-сурнай қилиб турсак, қандоқ бўларкин? Маъқул топсаларинг, тўйни режа бажарилган куни бошласак.

— Маъқул, — дейишди меҳмонлар, — бу айни муддао.

Ниҳоят, Жалолқудуқ туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги миришкорлари 110 гектар ердан 226,4 тонна пахта йиғиштириб олиб, шартномавий режани ошириб бажардилар. Довонга чиққан чўққини кўзлайди, дейишади. Энди улар икки юз фоизлик натижа учун курашмоқдалар.

Ўғил-қизини вояга етказган, уларнинг тўйини қилиб, элга ош берган ота-она бахтли!

Тупроққа уруғ ташлаб, ботмонлаб ҳосил олган, меҳнатининг роҳатини кўрган деҳқон бахтли!

Бахти барқ уриб, омад кулиб боққанлар ундан-да бахтли!

— Тўйни бошлаймизми? — яна Собиржон аканинг дарвозаси олдида кўндаланг бўлди совчилар.

— Бошлаймиз, гап битта! — дуога қўл очди Собиржон ака.

Тўйлар, шодиёналар осуда, тинч юртнинг ғолибу музаффар кишиларига жуда-жуда ярашади.

Ш. ОДИЛОВ.

Деҳқон бойиса...

Мени «Келинлар қўзғолони» спектаклидаги Фармонбибига ўхшатишади. Фарқимиз шуки, мен ўғил-қизларимни далада ишлатиб, ўзим уйда ўтирмайман, уларни ёнимга олиб, иш бошилик қиламан. Бир этак болаларимнинг биронтаси меҳнатдан қочмайди.

Ҳар йили ипак қурти боқамиз. Бу йил ҳам бир қути уруғдан саксон беш килограмм пилла топширдик. Даромадимиз яхши бўлди.

Фақат шугина эмас. Хўжалик раҳбарлари тажрибамизни ҳисобга олиб, ўтган йили етти гектар ер ажратиб берганди. Пахтадан юқори ҳосил олиб, уларнинг ишончларини оқладик. Энди еримиз ўн гектарга етди. Ерга қарасангиз, экинга меҳрингизни берсангиз, айтган ҳосилни оласиз-да. Биринчи теримдаёқ гектар ҳисобига ўттиз икки центнердан пахта топширдик. Мақсадимиз эса уни эллик центнерга етказишдир.

Деҳқончиликда гап кўп. Барака ҳам. Пиллаю пахта туфайли ўғилларим уйли-жойли бўлди, қизларимни узатдим. Неваралларим мактабда ўқишаяпти. Бизга ҳамманинг ҳаваси келади.

Хўжалигимиз ҳам, туманимиз ҳам пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режаларни барвақт бажарди. Ўша катта хирмонда бизнинг ҳам ўзимизга яраша улушимиз борлигидан қувонаман.

Шаҳринса БОЙМУРОДОВА,
Избоскан туманидаги «Янги қишлоқ» ширкат хўжалиги пудратчиси.

Андижон вилояти пахтакорларининг меҳнат зафарига бағишланган материалларни «Халқ сўзи» мухбирлари Икром ЎТБОСАРОВ ва Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ тайёрлашди.

Танлов ғолибига — «Тико»

бундан ташқари у мамлакатимиздаги ўзи хоҳлаган тиббиёт олий ўқув юртига имтиҳонсиз ва тест синовларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Ҳамшира – 2002»

Оқ халатли заҳматкашларнинг касб маҳоратларини оширишда йилнинг энг яхши ҳамширасини белгилаб берадиган танловнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан уюштириб келинаётган бу танлов аввал мамлакат пойтахти ҳамда вилоятлар марказларида ўтказилган бўлса, бу галги беллашув учун Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманининг гўзал, навқирон Бўстон шаҳри танланди.

Дастлаб туман ва шаҳар босқичларида, сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида ғолиб бўлган 14 ҳамшира 26-28 сентябрь кунлари ўз касби маҳорати, назарий билимлари, ижодий қобилияти юзасидан Элликқалъа туман марказий шифохонаси «Шошилинч тез тиббий ёрдам маркази» ва Бўстон шаҳридаги муҳташам санъат саройида беллашдилар. Беш босқичдан иборат танловни мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасидаги етакчи мутахассислари, профессор ва тармоқ ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Иштирокчилар тиббиёт соҳасига оид назарий билимлари, амалий маҳорати, ижтимоий-сиёсий тушунчаларини намойиш этиш билан бирга, бадиий ҳаваскорлик борасидаги қобилиятларини ҳам кўрсатдилар. Элликқалъа тумани марказий касалхонаси «Шошилинч тез тиббий ёрдам маркази» ҳамшираси Гулавсер Қурбонова барча босқичда ўзининг чуқур билими, амалий тажрибаси ва санъат борасидаги ноёб истеъдодини кўрсатиб, энг юқори 350 балл тўплади ва 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг энг яхши ҳамшираси деб тан олинди.

Ғолиб ҳамширага танловнинг бош соврини — «Тико» енгил автомашинаси ҳамда мамлакатимиздаги ўзи хоҳлаган тиббиёт олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини берадиган ҳужжатни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров топширди.

Танловда иккинчи ўринни Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 10-туғуруқхона доғаси Нилуфар Рустамова, учинчи ўринни Янгийўл шаҳар болалар поликлиникаси ҳамшираси Шоҳида Мирзааҳмедова эгалладилар. Ўларга ва бошқа барча қатнашчиларга Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, бошқа ҳомий ташкилотларнинг соврин ҳамда совғалари топширилди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *кўрик-танловдан лавҳалар.*
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Теннис:

Бухорода халқаро «Челленжер» турнири

Мана, бир неча кундирки, Бухоро шаҳридаги «Ҳумо» спорт мажмуи теннис ихлосмандлари билан гавжум. Бу ерда эркаклар ўрасидаги халқаро «Челленжер» мусобақалари давом этмоқда. Унда дунёнинг 23 мамлакатидан ташриф буюрган иқтидорли теннисчилар қатнашиб, ғолиблик учун кураш олиб боришаяпти.

Беллашувларнинг дастлабки босқичи якунланди. Унга кўра, Германия, Италия, Россия, Франция, Исроил давлатларининг вакиллари яхши натижаларга эришиб, умумкоманда ҳисобида фахрли ўринларни ишғол этишди. Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидан маълум қилишларича, ғолибларни тақдирлаш учун 25 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Турнирда республикамиз шарафини 13 нафар маҳоратли теннисчилар ҳимоя қилишаяпти.

Мусобақалар 6 октябргача давом этади.

Н.ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Япония гранти асосида

Андижонда бешта умумтаълим мактаб жамоаси ўқув-тарбия жараёнларини янада яхшилаш дастурини бажаришга киришдилар, — дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири. — 460 минг АҚШ доллари миқдоридаги япон гранти бунга имкон яратди. Энди ушбу мактабларга замонавий компьютерлар, ошхона ва устахона ускуналари, спорт анжомлари сотиб олинади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6

Фахр

Тонг отиб, қуёш шафағида уйғонган табиат бамисоли уфқнинг жонланаётган тимсолига ўхшайди. Меҳр нурлари-ла бош кўтарган майсалар булбулларнинг шўх навосига маст бўлиб, тобора уларнинг асирларига айланиб бормоқда. Майин шабдода эса одамнинг этини жимирлатиб юборади. Шу йўсинда аста-секин тонг отади. Биримиз ишга, биримиз ўқишга отланамиз.

Устоз

Ҳар куни тонг саҳардан билим ўчоғим — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейим томон ошиқаман. Тонгги наво мени ўз шуури билан сийлайди. Сахий қуёш эса ўз нурлари билан атрофга ифор таратади. Билмадим, негадир шу ондаёқ юрагимни қандайдир бир ҳис чулғайди. У мени билим чўққиларини забт этишга, тинмайин изланишга чорлайди. Юксак билим соҳиби бўлишимда эса устозларимнинг меҳнатлари катта.

Ҳа, устоз бу энг улуғ ва мўътабар зот. Устоз — юксак идрок ва билим эгасидир. Уларнинг ҳар бири ўзга олам, ўзга ном. Устоз билан қалбимиз нурга, онгимиз ғоявий тушунчаларга тўла. Худди кечагидек ёдимда, жажжигина қўлимдан ушлаб, устозим менга ёзишни, ўқишни ўргатганлар. Шуларни ўргатиб, менга қанчалар фойда кўрсатганларини билсалар эди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий шундай деганлар:

Ҳақ йўлинда ким сенга
бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин юз ганж ила.

Ахир кўзлаган мақсадимизга эришишимизда, камчиликларимизни бартараф этишимизда, бизга катталан-катта ёрдам берган устоз эмасми? Ҳозирда мана шундай ютуқларни қўлга киритиб билим чўққиларини забт этишимизда бизга далда бўлиб келаётган ҳам устоз эмасми? Уларсиз биз ёнаётган, лекин кўринмаётган шарпага ўхшаймиз. Мен юқорида тонг насимини бежиз таъкидлаганим йўқ. Тонг отиб, порлоқ қуёш она табиатни мунаввар этганидай, устозлар ҳам ўз ўқувчиларининг қалбига худди шундай мунаввaрлик ҳиссини олиб кирадилар...

Қаламим ожизлик
қилади бироз,
Олқишлай десам гар
сизни устозим.
Йўлингизга қилай
гуллар поёндоз,
Мадҳ этай етганча
сизни овозим.
Қаршингизда минг бир
таъзимлар билан
Сизга тақдим этай энг
шоҳона байт.
Илм карвонида сарбон
муаллим.
Ҳеч бир сўзингизга
бўлмайман лоқайд.

Ирода НИГМАТОВА,
лицей талабаси.

ҲИКМАТ

Одоби йўқ одам элни бузар,
Одоби бор одам
тилни тузар.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қабул комиссияси 2002/2003 ўқув йилига тўлов шартнома асосида таълим тили ва йўналишлари бўйича бўш (вакант) қолган ўринларга давлат тест маркази қайдномаларида навбатда турган қуйидаги абитуриентлардан аризалар қабул қилишини маълум қилади.

003-йўналиш — кимёвий технология, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси №	Тўплаган бали
0162407	100,40
0162446	100,30
0162410	99,90
0162496	99,30
0162444	97,30
0162476	94,20
0162411	93,30
0162480	89,10
0162448	86,80

004-йўналиш — кимё, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси №	Тўплаган бали
0082125	128,20
0081874	127,70
0081768	126,30
0081918	126,10
0082114	126,10
0082144	125,70
0082153	125,60
0082053	125,40
0082099	125,40
0082059	125,30
0081980	125,10
0082093	125,00

022-йўналиш — педиатрия иши: агрономия, таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси №	Тўплаган бали
0081590	117,40
0081607	113,60
0081631	110,80
0081642	109,90
0081652	109,50
0081638	108,30

045-йўналиш — касбий таълим (тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги йўналиши), таълим тили — ўзбек тили

Жавоб варақаси №	Тўплаган бали
0081727	115,20

004-йўналиш — кимё, таълим тили — рус тили

Жавоб варақаси №	Тўплаган бали
0195974	102,10
0196004	96,90
0195995	99,20

Қабул комиссияси 1-ўқув биносида 2002 йил 5 октябрь куни соат 17.00га қадар аризаларни қабул қилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Қабул комиссиясининг телефон рақами: 56-39-31.

Абитуриентларни институт қабул комиссиясига мурожаат этиб, шартномаларни расмийлаштиришларини ва тўловларни амалга оширишларини сўраймиз.

Қабул комиссияси.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ:
КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШБ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП ва бошқалар).
ЭЛЕКТРЖИҲОЗЛАР
(ЯЧЕЙКАЛАР, ТРАНСФОРМАТОР ПОДСТАНЦИЯЛАРИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЛАР)
ЁРИТГИЧЛАР
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ ва бошқалар)
ЛАМПАЛАР
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ ва бошқалар)
БУЮРТМАЧИ ТАЛАБИГА КЎРА, УЗОҚ ВА ЯКИН ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУМКИН.
700060, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 29-уй, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, 5-қават.
Тел./факс: (+99871) 136-01-54, 133-12-84, 120-09-09.
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru

«Алтай» радио-телефони
тизимидан фойдаланаётган абонентлар ДИҚҚАТИГА!
2002 йил 1 октябрдан ижарадаги «Алтай» радио-телефони абонент қурилмалари учун қуйидаги ижара тўлови белгиланди:
- «Алтай» 3М — 3000 сўм;
- «Алтай» 3С — 3600 сўм;
- «Алтай» АС-СП — 4320 сўм.
Тарифда ҚҚС ҳисобга олинган.
«Автоалоқа» ОАЖ бошқаруви идораси.
Телефон: 144-25-67.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шаклли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

НА ЛЮБОЙ ВКУС 5 ЛУЧШИХ СОРТОВ ИЗ ВЕНГРИИ
РАСФАСОВКА В КОРОБКАХ ПО 1 КГ.
ГАЗОННАЯ ТРАВА
РАСХОД 35 - 40 КВ.М.
ПО ЦЕНЕ 7,5 ТЫС. СУМ. ЗА 1 КГ.
т.: 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи;
- 13.00.08 — Ҳунар таълими назарияси ва услубияти.
Ҳужжатлар 2002 йил 1 ноябргача қабул қилинади.
Керакли ҳужжатлар:
- институт ректори номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳоли;
- иш жойидан тавсифнома;
- ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлари ва ихтиролари эълон қилинмаган бўлса);
- диплом ва баҳолардан нусха;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати;
- аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки давлат аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма (агар олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса);
- тўрт дона фотосурат (3х4), конверт, тез тикгич.
Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй, 7-қават, аспирантура бўлими.
Телефонлар: 136-22-12, 136-23-27, 133-18-54.

САВОЛ БИЗДАН...
Дунёда энг кўп роман ёзган адиб ким?
Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Арасту
136-35-60

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИга 2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- фортепиано;
- торли-камонли чолғулар;
- халқ чолғулари;
- анъанавий чолғу ижрочилиги;
- дамли чолғулар;
- эстрада чолғулари;
- академик хонандалик;
- анъанавий хонандалик;
- эстрада хонандалиги;
- академик хор дирижёрлиги;
- бастакорлик;
- мусиқашунослик.
Академик лицейга болалар мусиқа ва санъат мактабларини, шу билан бирга, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган иқтидорли болалар қабул қилинади.
Аризалар 2002 йилнинг 1 октябридан 10 октябригача қабул қилинади.
Ўқиш муддати — уч йил.
Манзил: Тошкент ш., Абай к., Ўзбекистон давлат консерваторияси, қабул комиссияси.
Телефон: 144-61-57.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси маъсул ходим Абдусамат Раҳимовга падари бузруквори **Малик отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси ғарб тиллари кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент **Каримберди РАҲМОНБЕРДИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати инглиз филологияси факультетининг собиқ декани, филология фанлари номзоди, доцент **Каримберди РАҲМОНБЕРДИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.